

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОТВОЛДИЕВ БУНЁДБЕК ТЎЛҚИНЖОН ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЛЕНГНИНГ ПАРАДИГМАТИК-СИНТАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) on philological
sciences**

Сотволдиев Бунёдбек Тўлқинжон ўғли

Инглиз тилида сленгнинг парадигматик-синтагматик хусусиятлари 3

Sotvoldiev Bunyodbek Tulkinjon ugli

Paradigmatic-syntagmatic features of slang in English..... 27

Сотволдиев Бунёдбек Тулқинжон угли

Парадигматическо-синтагматические особенности сленга в английском
языке 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СОТВОЛДИЕВ БУНЁДБЕК ТЎЛҚИНЖОН ЎҒЛИ

ИНГЛИЗ ТИЛИДА СЛЕНГНИНГ ПАРАДИГМАТИК-СИНТАГМАТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil144 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус, (резюме)) Наманган давлат университети веб саҳифасининг www.namdu.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори, доцент

Эргашева Гули Исмоил қизи
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация химояси Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD03/31.03.2021.Fil.76.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» 11 соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160136, Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй; Тел: 0 (369) 227 01 44; факс: 0 (369) 227 04 45; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (602 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160136, Наманган шаҳар, Уйчи кўчаси, 316-уй; Тел: 0 (369) 227 01 44;

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 11 кун тарқатилди.
(2021 йил «08» 11 даги 01 рақамли реестр баённомаси).



А.И.Зияев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., доцент

О.О.Дадабоев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Қ.А.Сидиков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида сленг масаласи, унинг ижтимоий хусусиятлари ўтган асрнинг биринчи ярмидан бошлаб инглиз тили материали асосида кенг доирада муҳокама марказидан ўрин эгаллаб келмоқда. XXI асрга келиб сленгнинг лингвистик томонлари, айниқса, унинг структурал-семантик ва контекстуал жиҳатлари билан боғлиқ бир қатор муҳим муаммолар кун тартибига қўйилмоқда. Шу боис оғзаки нутқнинг ўзига хос ҳодисаси сифатида сленгнинг парадигматик-синтагматик хусусиятларини инглиз тили мисолидаги масаласи амалий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эгадир.

Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда сленгни инглиз ноадабий лексикасининг ноёб намунаси сифатида ўрганиш, таснифий, тавсифий ва статистик тадқиқотлар олиб бориш, шу билан бирга, сленг ва инглиз адабий тилидаги сўзлар ўртасида пайдо бўлувчи лексик-семантик вариантлашув муносабатлари ҳамда уларнинг сленгдаги номинатив имкониятларини аниқлаш бўйича илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан сленг ва бошқа ноадабий нутқ бирликлари ўртасидаги фарқларни очиб бериш, адабий тилдаги сўзнинг сленг номинациясидаги имкониятини баҳолаш инглиз тилида сленгнинг пайдо бўлиш моҳиятини тўла англаш ва унинг эволюцион босқичларини илмий жиҳатдан ўрганиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

Республикамызда сўнги йилларда «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ доирасидаги стратегик вазифалар ўзбек тилшунослигида англофонлар нутқи борасида чуқур изланишлар олиб боришни кун тартибига қўймоқда. Юртимизда чет тиллари, айниқса, инглиз тилини ўрганишга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани боис бугунги кунда сленгсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган замонавий инглиз тили доирасида мазкур соҳани тадқиқ қилиш муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан сленгнинг пайдо бўлиши, ривожланиш босқичлари, маъновий тизими, синтагматик хусусиятлари, лингвистик баҳо меъзонлари каби жиҳатларни инглиз тили доирасида текшириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни омдалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида белгиланган вазифаларни

¹ Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28 (6722)

амалга оширишда мазкур илмий тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда инглиз тилидаги сленг назариясини яратиш, унинг эволюцион ривожланиш босқичлари, муҳим таркибий қисмлари, социолингвистик жиҳатлари ва киёсий тадқиқи масалалари юзасидан жаҳон ҳамда юртимиз тилшунослари томонидан кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган ва муҳим илмий-назарий қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Европа ва АҚШ тилшуносларидан Ж.Фармер, Ж.К.Хоттен, Э.Партриж, Ж.Б.Гриноу ва Ж.Л.Киттриж, Г.Уэнтворт ва Б.Флекснер, Э.Маттиэлло, М.Миллхаузер, Б.Дюма ва Ж.Лайтер, С.И.Хайякава, Ж.Колман, Ж.Грин², рус олимларидан В.А.Хомяков, И.В.Арнольд, Ю.М.Скрёбнев, А.Т.Липатов³, ўзбек тилшунослигида Ғ.Раҳимов, Л.Т.Бобохонова, Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова, Қ.М.Мусаев, Д.Сатимова⁴ каби олимлар сленг доирасида изланиш олиб борганлар.

Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университетиде бажарилиши 2017-2020 йилларга мўлжалланган “ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

² Farmer J.S. Slang and its analogues. Past and Present (Vol. 1). L: Paternoster Square, 1890, 405 pp.; Hotten J.C. A dictionary of modern slang, cant and vulgar words (sec. ed.). L: Piccadilly, 1860, 300 pp.; Partridge E. Slang Today and Yesterday. L: Routledge & Kegan Paul LTD, 1933, 476 pp.; Greenough J.B. and Kittridge G.L. Words and their ways in English Speech. New York: Macmillan, 1929, 431 pp.; Wentworth H. and Flexner B. (Preface). Dictionary of American Slang. New York: Thomas Y. Crowell Co., 1967, 718 pp.; Mattiello E. An introduction to English Slang: A description of its Morphology, Semantics and Sociology. Milano: Polimetrica, 2008, 324 pp.; Millhauser M. The case against slang. // English Journal 41, 1952, pp. 306-309; Dumas B.K. and Lighter J. Is Slang a word for linguistics? American Speech 53/1, 1978, pp. 5-17; Hayakawa S.I. Language in action. New York: Harkourt Brace, 1941, 345 pp.; Coleman J. The Life of Slang. – Oxford: Oxford University Press, 2012, 353 pp.; Green J. The Stories of Slang: Language at its most human (e-book). UK.: Little, Brown Book Group, 2017, Chapter: On the Road: Tramps and Hobos, 320 pp.

³ Хомяков В.А. Введение в изучение слэнга – основного компонента английского просторечия. – Вологда: Вологодский гос. пед. ин-т, 1971. – 104 с; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: «Высшая школа», 1986. – с. 140; Скребнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. – М.: ООО Издательство Астрель, 2003. – 230 с; Липатов А.Т. Сленг как проблема социолингвистики. – М.: Элпис, 2010. – 317 с.

⁴ Раҳимов Ғ. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс. – Самарқанд, 2006.; Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 142 б; Шаҳобиддинова Ш.Ҳ. Jinoatchilar slengi haqida qarashlar. // Filologiyaning dolzarb muammolari. Илмий-малиянжуман материаллари. – Andijon: Andijon nashriyot-matbaa, 2019. – 197 б.; Musayev Q. English Stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – 302 б.; Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг киёсий таҳлили: Филол.фан.бўй.фал. док. ... дисс. автореф. – Андижон, 2020.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тили луғатларида қайд қилинган сленгларга шаклан ўхшаш бўлган адабий тил birlikларининг сленг номинациясидаги имкониятларини баҳолаш, улар ўртасида пайдо бўлувчи лексик-семантик муносабатлар ҳамда парадигматик-синтагматик хусусиятларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

адабий тил ва сленг нутқ birlikларига денотат бўйича синонимлар сифатида қараган ҳолда, улар ўртасида пайдо бўлувчи муносабат турлари ҳамда сленгдаги маъно кўчиш хусусиятларни аниқлаш;

от, сифат, феъл сўз туркумларининг сленг ҳосил қилишдаги маҳсулдорлик даражасини концептуал метафора ёрдамида аниқлаш ҳамда уларнинг сленг номинациясидаги иштироки туфайли пайдо бўладиган лексик-семантик вариантларни турли параметрлар бўйича солиштириш натижасида ҳар бир сўз туркуми учун умумий ва хусусий бўлган жиҳатларни кўрсатиб бериш;

сленгнинг синтагматик хусусиятларини замон, макон, мулоқот иштирокчиларининг рол тузилиши ва уларнинг ижтимоий мавқеъларига асосланган ҳолда аниқлаш;

сленг номинациясида қатнашган сўзларнинг адабий тилдаги асосий ва қўшимча маъноларини уларнинг сленгдаги референтлари билан солиштириш орқали юзага чиқадиган хусусиятларни очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сленгнинг лексик-семантик ва парадигматик-синтагматик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини сленг birlikларининг англофон луғатларда қайд қилинган адабий тил ва сленгдаги маънолари ўртасидаги муносабати ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда систем-структур, тавсифлаш, прагматик, статистик ҳамда компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тил тизимининг лексик сатҳида адабий тил ва сленг birlikлари денотат бўйича ўзаро синонимик ва квазисинонимик муносабатларга киришиши ҳамда сленгдаги маъно кўчишлари одатда жисмнинг ранги, ташқи кўриниши, физик ҳолати ёки иш-ҳаракат ва референтни баҳолаш характеридаги ўхшашликлар натижасида амалга ошиши асосланган;

сленг ҳосил қилишда қатнашувчи сўз туркумлари ичида феълларнинг энг яхши натижа қайд этганлиги концептуал метафорик усул ёрдамида исботланган, натижада от ва сифат лексик-семантик вариантлари учун “инсон эмас (адабий тилда) – инсон (сленгда)” параметри, феъллар учун “инсон (адабий тилда) – инсон (сленгда)” қарама-қаршилиги асосий эканлиги аниқланган;

сленгнинг синтагматик хусусиятлари унинг бадиий матнларда қўлланилишининг замон ва макон, мулоқот иштирокчиларининг рол тузилиши ҳамда уларнинг ижтимоий мавқеъларига боғлиқ ҳолда юзага чиқиши далилланган;

сленг ҳосил қилишда қатнашувчи сўзларнинг адабий тил ва сленгдаги маънолари ўртасидаги муносабатлар, аксарият ҳолларда, сўзнинг сленгдаги референтлари айнан шу сўзнинг адабий тилдаги асосий, кам ҳолларда, бир вақтнинг ўзида ҳам асосий, ҳам қўшимча маънолари асосида вужудга келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий тилшунослик, лексикология, ономастика ва стилистика фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ҳамда назарий ва амалий курсларнинг мукаммаллашуви учун хизмат қилувчи материаллар йиғилган;

сленг қўлланилишида иштирокчиларнинг маълум замон ва макон, мулоқот қолипида роль тузилишига боғлиқ хусусиятлари аниқланган;

сленг таркибидаги қисқартмалар, антропоним ва топонимларларнинг структурал ва семантик турларини аниқлаш орқали чиқарилган хулосалар амалий жиҳатдан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги ва методологик мукамаллиги, назарий маълумотларнинг илмий ва бадиий матнлардан олинганлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда олинган натижаларнинг хорижий мутахассислар ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, сленг ва унга ёндош бошқа ноадабий нутқ бирликлари, сленгнинг прагматик, антропонимик ва топонимик хусусиятларига оид илмий хулосалар сленг борасидаги умумий назарияни бойитиши, антропонимика, топонимика, прагматика ва назарий тилшунослик йўналишлари бўйича келажакда олиб бориладиган тадқиқотлар учун манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, сленг бўйича қўлга киритилган маълумотлар ва олинган хулосалардан «Стилистика», «Нутқ маданияти», «Лексикология», «Ономастика», «Суд лингвистикаси», «Компьютер лингвистикаси», «Тиббий атамалар лингвистикаси» каби фанлар интеграцияси ва махсус курсларни ўқитишда қўлланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз тилида сленгнинг парадигматик-синтагматик хусусиятлари тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

мулоқотда қўлланиувчи сленг нутқ бирликларига шаклан синоним бўлган адабий тил бирликларининг сленг номинациясидаги иштирокини тавсифлаш, турли сўз туркумлари доирасидаги сўзларнинг сленг ҳосил қилишдаги маҳсулдорлик даражасини аниқлаш, сленгнинг қўлланиш доирасига кўра турлари, структур кўринишлари ҳамда ҳосил бўлиш асосларини ўрганишга оид хулосалардан ОТФ-1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28

сентябрдаги 89-03-3574-сон маълумотномаси). Натижада янги пайдо бўлувчи нутқий бирликларнинг илмий талқинига оид қарашлар мукаммаллашган;

сленг юзага келишининг психолингвистик жиҳатларини ўрганиш, сленгнинг замон ва маконда қўлланилиш хусусиятларини аниқлаш, ёшларнинг фикрлаш тарзи ҳамда тилга онгли равишда прагматик ёндашувидаги уникал жиҳатларни аниқлашдаги илмий хулосалардан А-1-39 рақамли “Ўзбек амалий психолингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 сентябрдаги 89-03-3574-сон маълумотномаси). Натижада стилистик жиҳатдан чекланган нутқ бирликлари қўлланишининг психолингвистик хусусиятлари очиб берилган;

инглиз адабий тил бирликларига шаклан ўхшаш бўлган сўзлашув услубида қўлланувчи сленг бирликларининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, унинг инглиз сўзловчилари нутқида қўлланишининг замон, макон ва мулоқот иштирокчиларининг рол тузилишига кўра турлари ҳамда сленгнинг бугунги кун учун аҳамияти тўғрисидаги маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O'zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Адабий жараён”, “Таълим ва тараққиёт” радиоэшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-25-1343-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган медиал материаллар мазмун жиҳатдан мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 4 та ҳамда 4 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола: 3 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва

амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «Сленг бирликларининг лингвистик мақоми» деб номланган биринчи бобида қўлланиш доираси чегараланган нутқ бирликларининг инглиз тилида пайдо бўлиши, жаҳон ва юртимиз тилшунослари томонидан ушбу ноадабий лексик бирликлар борасидаги назарий қарашлар ҳамда сленг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омиллар атрофлича ўрганиб чиқилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «Сленгнинг қўлланиши чегараланган сўзлар тизимида тутган ўрни, мақоми ва тавсифи» деб номланиб, унда сленг ва унга ёндош бўлган арго ва жаргонлар борасида европа, америка, рус ва ўзбек тилшунос олимлари томонидан билдирилган қарашлар таҳлил қилинган, улар ўртасидаги фарқлар баён қилинган ҳамда сленгнинг ўзига ҳос хусусиятлари очиб берилган.

Арго, жаргон ва сленгларнинг ноадабий лексик қатлам сифатида адабий инглиз тилидан ажралиб чиқишига Уйғониш даври олимлари томонидан илгари сурилган ҳамда уларнинг издошлари, жумладан машҳур инглиз лексикографи, доктор Самуэл Жонсон томонидан қўллаб-қувватланган инглиз тилини адабийлаштириш, уни ўзгармас ва яхлит бир тизимга солиш орқали тилни турли субстандарт ва “паразит” сўзлардан тозалаш ортидан уларнинг адабий тилга суқилиб киришига чек қўйиш ғоялари асосий сабаб ҳисобланади. Лекин, олимларнинг ушбу ҳаракатлари ўзини оқламай, ўша даврда жуда паст назар билан қаралган ноадабий нутқ бирликлари, жумладан сленглар бугунги кунга келиб, ҳатто сленг тили (*slanguage – a blend of slang + language*)⁵ мақомига эришди.

Арго манбаларда дастлаб содда тил сўз сифатида 1200-1300 йилларда пайдо бўлганлиги, термин сифатида эса илк бор 1600-1700 йиллар оралиғида қайд этилганлиги ва дастлаб яширин мақсадларда, яъни атрофдагилардан ўз-ўзини ҳимоя қилиш мақсадида асосан жинойт олами вакиллари томонидан фойдаланилганлиги келтирилади⁶. XVII асргача “Ўғрилар тили” бирикмаси учун арго термини эмас, балки француз тилидаги “*langue bleu, la langue verte*” каби бошқа номлар ишлатилган⁷. Арго XIX асргача аҳолининг катта қисми учун тушунарсиз ва яширин тил бўлган. XIX асрда Парижнинг бир нечта кварталларида жинойт оламининг ташқи муҳитдан ажралиши ниҳоясига етиб, жинойтчилар аргоси бошқалар учун ҳам тушунарли тил бўла бошлади ва ўзининг “Яширин тил” мақомини секин-асталик билан йўқотиб, жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳлар лексиконидан ҳам муқим ўрин эгаллай бошлади⁸.

Жаҳон тилшуносилигида тадқиқотчилар аргонинг эзотерик жиҳати билан бирга унинг нисбатан кенгроқ доираларда қўлланилиб, жаргонга

⁵ Coleman J. The Life of Slang. – Oxford: Oxford University Press, 2012. – p. 13, 353 pp.

⁶ Giraud P. L'argot. (9-e edition). – Paris: Presses Universitaires de France, 1985. – p. 7, 128 pp.

⁷ Руденко М.Ю. Исследование Арго, Жаргон и Сленга: Вопросы терминологии // Филологические науки. Вопросы теории и практики. – Тамбов: Грамота, 2016. – с. 127-134.

⁸ Gadet F. Le français populaire. – Paris: Presses Universitaires de France, 1992. – 128 pp.

айлана олиш хусусияти мавжудлигини ҳам таъкидлайдилар⁹. Арго жиноят олами вакиллари нутқида қўлланилганда, ўзининг асл вазифаси бўлмиш яширинлик хусусиятини намойиш этади ва тўлиқ арго номи билан юритилади. Жамиятдаги бошқа социал гуруҳлар (ёши, жинси, касби, қизиқишига кўра уюшган) лексиконида қўлланилганда, у ўзининг яширинлик хусусиятини йўқотиб, жаргонга айланади ва ҳам “арго” ҳам “жаргон” деб юритилади.

Жаргоннинг жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар (ёшлар, харбийлар, талабалар, ёши катталар) тили эканлиги борасида барча тадқиқотчилар деярли бир хил фикр билдирадilar. Лекин асосий баҳс унинг бошқалар учун очик ёки ёпиқ (яширин) эканлигида боради. Аксарият тадқиқотчиларнинг нуқтаи-назарига кўра жаргон тор доирадаги яширин тарзда қўлланувчи нутқ бирлиги эмас, балки жамиятда каттароқ доираларда, яъни касби, ёши, қизиқиши ва мавқеидан келиб чиққан ҳолда уюшган турли социал гуруҳлар томонидан қўлланилувчи алоҳида нутқ бирлиги ҳисобланади¹⁰. Демак, жаҳон ва ўзбек тилшунос олимлари назарияларидан келиб чиқиб, жаргонни тор маънода эмас, балки нисбатан кенгроқ доираларда қўлланувчи алоҳида нутқ бирлиги сифатида баҳолаш мумкин.

Ноадабий лексиканинг яна бир тури бўлган сленгнинг жаҳон тилшунослигидаги энг баҳсли ва долзарб тадқиқот мавзуларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Илмий мунозараларнинг марказида сленгнинг жаргон ва аргодан мустақил ҳодиса сифатида мавжудлиги, унинг асосий социал хусусиятлари ҳамда этимологияси масалалари туради. Бунинг асосий сабаби сифатида ушбу терминнинг тилшуносликка нисбатан кечроқ кириб келгани, сленг, арго ва жаргон ўртасидаги чегарани аниқлашда ҳалигача бир тўхтамга келинмаганлигини келтириш мумкин. Шу маънода, Ж.Фармер сленгга “Сўз дунёсининг энг қоронғу қитъаси”¹¹ дея таъриф берганида ҳақли эди.

Сленг терминининг этимологияси борасида турли-туман қарашлар мавжуд бўлиб, Ж.Бининг фикрича, сленг термини қамоқхоналарда жиноятчиларнинг қочиб кетмаслиги учун уларнинг қўл ва оёқларига мажбуран тақиб қўйилган кишан “A sling of string” сўзларидан олинган¹². Ж.К.Хоттен сленг терминини инглиз тилига оид термин эмас, балки “Лўлиларнинг (яширин) тили” эканлиги ва унинг гибберишга (ўйлаб

⁹ Бу ҳақда қаранг: Истомин В.С. Норма и социальная вариативность в языке // Лингвокультурологическая парадигма в современных исследованиях. Гродно:2011, с. 191-197; Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Большая российская энциклопедия, 1998, с. 43, 685 с.; Горбач О.Т. Арго в Україні. Львів: Інститут українознавства ім. І. Крип'якевича НАН України, 2006, с. 143, 688 с.; François-Geiger D. Panorama de sargots contemporains / D.François-Geiger // Langue française. – Paris, 1991. – p. 5-9.; Caradec F. N'ayonspspeurdesMots. Dictionnaire du français argotique et populaire / F. Caradec. – P: Larousse, 2005, p. 12, 320 pp.

¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Руденко М.Ю. Исследование Арго, Жаргон и Сленга: Вопросы терминологии // Филологические науки. Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2016. – с. 129.; Умархўжаев М.Э. Лексикология Лексикография Фразеология Фразеография. – Андижон: Жаҳон-интер-принт, 2010. – б.52.

¹¹ Farmer J.S. Slang and its analogues. Past and Present (Vol. 1). L: Paternoster Square, 1890, p. 6 (vi).

¹² Hotten J.C. A dictionary of modern slang, cant and vulgar words (sec. ed.). L: Piccadilly, 1860, p.52.

топилган, бошқалар учун махфий бўлган тил) синонимлигини таъкидлайди¹³. Э.Партрижнинг фикрича, инглиз тилидаги “slang” ва скандинав тилидаги “to sling – гапирмоқ, демоқ, сўкмоқ” сўзлари бир ўзақдан пайдо бўлган¹⁴. Шу сабабли, у сленг терминини “to sling” феълидан пайдо бўлган деган ғояни илгари суради.

Бугунги кунгача сленг борасида кўплаб тадқиқотчилар томонидан жуда кўп ўхшаш ва фарқли фикрлар билдирилган. Баъзи тадқиқотчилар сленгни тор доирадаги тушунча, яъни фақат маълум гуруҳлар тили сифатида баҳолаганлар. Масалан, Л.Г.Андерсон ва П.Труджилл, Д.Кристалл каби олимлар сленгни фақат “Ўғри, жинойтчи ва маълум тўдаларнинг яширин тили”¹⁵ сифатида баҳоласа, Ф.Гроуз ва Қ.Мусаевлар уни “Ўғри ва жинойтчилар тили ва кентнинг синоними”¹⁶ тарзида талқин қилганлар.

И.Г.Матвяс, Э.Маттиэлло, О.С.Ахманова, Д.Э.Розенталь каби тадқиқотчилар сленгни “Касбий ва ижтимоий гуруҳлар тили”¹⁷ сифатида таърифлаган бўлсалар, О.Т. Горбач ва Л.Т. Бобохоновалар унга “Арго”¹⁸ дея таъриф берганлар. Бундан ташқари, К.Аллан ва К.Буррижларнинг “жаргоннинг ўзи”¹⁹ тарзида талқин қилганлигига гувоҳ бўламиз.

Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар сленгни алоҳида ходиса сифатида мавжуд эканлигини қўллаб-қувватлайдилар. Бу ҳақида Америка сленги луғати муаллифлари Г.Уэнтворт ва Б.Флекснерлар кўйидаги фикрларни билдирганлар: “Сленг жамиятдаги турли гуруҳлардан олинадиган сўзлар мажмуидир”²⁰. Ю.М.Скробневнинг таъкидлашича, сленг ва жаргон/арголарнинг асосий фарқи “Сленг кўпчилик томонидан қўлланилиб, бошқа гуруҳлар учун ҳам тушунарли бўлади”²¹.

Бундан ташқари, сленг борасида тадқиқот олиб борган олимларнинг кўпчилиги уни асосан социал жихатдан тадқиқ қилишга урғу бериб, сленгни нисбатан кенгроқ маънодаги тушунча эканлигини таъкидлайдилар ҳамда унга ижобий ёки салбий муносабат билдирадилар. Сленг борасида салбий муносабат билдирган тадқиқотчилар Н.Ферстер ва Ж.Стедманлар сленгни

¹³ Hotten J.C. A dictionary of modern slang, cant and vulgar words (sec. ed.). L: Piccadilly, 1860, – p. 52.

¹⁴ Eble C. Slang and sociality: in-group language among college students. Chicago: The University of North Carolina Press, 1996, p. 11.

¹⁵ Бу ҳақда қаранг: Anderson L.G. & Trudgill P. Bad Language. Oxford: Blackwell, 1990, p. 77; Crystall D. The Cambridge Encyclopedia of Language. Cambridge: Cambridge University Press, 1987, p. 53.

¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Липатов А.Т. Сленг как проблема социолингвистики. – М.: Элпис, 2010. – с. 46, Musayev Q. English Stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – б. 47.

¹⁷ Бу ҳақда қаранг: Матвяс І. Г. Українська мова її говори. – К.: Наукова думка, 1990. – с. 13, Mattiello E. An introduction to English Slang: A description of its Morphology, Semantics and Sociology. Milano: Polimetrica, 2008, p. 31, Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов (2-е изд.). – М.: Советская Энциклопедия, 1969. – с. 419., Розенталь Д.Е., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов (2-е изд.). – М.: Просвещение, 1976. – с. 394.

¹⁸ Бу ҳақда қаранг: Горбач О.Т. Арго в Україні. – Львів: Інститут українознавства ім. І. Крип'якевича НАН України, 2006. – с. 177., Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – б. 17.

¹⁹ Allan K. and Burridge K. Forbidden Words: Taboo and the Censoring of Language. New York: Cambridge University Press, 2006, p. 70.

²⁰ Wentworth H. and Flexner B. (Preface). Dictionary of American Slang. New York: Thomas Y. Crowell Co., 1967, p. 7 (vii).

²¹ Скробнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. – М.: ООО Издательство Астрель, 2003. – с. 68.

“Қадри баланд сўзнинг ўрнини босувчи арзон маҳсулот”²² дея таърифлаган бўлсалар, Ж.Генунг сленг борасида ўзининг “Сленг инсон тили учун эпидемик касаллик ҳисобланади. ... энг ёмони эса унда барча санитария талаблари ҳар доим рад этилади”,²³ деган кескин фикрини билдиради.

Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар, жумладан, У.Уитман “Сленг бутун инсониятни ортиқча адабийликдан халос этувчи ва унинг нутқ борасидаги эркинлигини кўрсатишга ҳисса қўшувчи бир уринишдир”²⁴ деб ижобий баҳо берган бўлса, Д.Сатимова сленг феноменига “Нутқ жараёнида сўзловчи тингловчига ахборотни етказиб беришда эркинликка интилади, уни таъсирли қилишда ўзига хос қолиплардан қочади ҳамда мулоқотга янгилик ифорини олиб киришни кўзлайди. Ушбу вазиятда тил субъекти интилган эркинликнинг нутқий ҳосиласи бу сленглардир”²⁵ дея баҳо беради.

Юқорида тадқиқотчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва келтирилган таърифлар таянган ҳолда, сленг феноменига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Сленг а) муштарак мақсад йўлида бирлашган турли жамоалар нутқида баъзида ёпиқ тарзда қўлланувчи; б) баъзи ҳолларда кенгроқ доираларда фойдаланилувчи; в) баъзан тез янгиланиб турувчи; г) баъзида жуда барқарор, узоқ умр кўрувчи; д) баъзан адабий тил доирасига ҳам қўшила олувчи; е) баъзан ҳақорат; ё) кесатиш; ж) масхаралаш; з) мутойиба сифатида қўлланувчи; и) баъзан кўтаринкилик хусусиятларини ўзида акс эттирувчи оғзаки нутққа хос бўлган сўз ва иборалардир.

Сленглар нисбатан беқарор ва ўзгаришга мойил бўлиб, уларнинг нутқда қўлланишини ҳеч қачон қатъий чегаралаб бўлмайди. Бизнинг нуқтаи-назарга кўра, айнан “баъзан” сўзи сленг учун хос бўлиб, унинг барча хусусиятларини очиб берувчи калит сўз ҳисобланади.

Бобнинг «Сленгнинг баҳоси, номинатив имкониятлари ва унинг пайдо бўлиш омиллари» деб номланган иккинчи фаслида унинг ифодаланиш усулига кўра турлари, қўлланилиш доираси ҳамда унинг эволюциясига хизмат қилувчи энг муҳим омиллар ҳақида сўз юритилади.

Ҳозиргача амалга оширилган тадқиқотларнинг ҳеч бирида олимлар сленгнинг ифодаланиш усулига кўра турлари ҳақида алоҳида фикр билдирмаганлар. Демак, сленг бирликлари нафақат вербал, балки новербал усулда (қўл ва тана ҳаракати, имо-ишоралар орқали) ҳам ифода этилиши мумкин. Масалан, бош ва кўрсаткич бармоқлар учини бир-бирига теккизиб, бошқа бармоқлар учини юқорига кўтариш АКШда “ОК” маъносида қўлланиши ҳеч кимга сир эмас. Аммо, Бразилияда ушбу ишора ўрта бармоқни кўрсатиш билан баробар ҳисобланади²⁶.

²² Foerster N. and Steadman J. Writing and Thinking (Rev. ed.). Boston: Houghton Mifflin, 1941, p. 290.

²³ Genung J.F. Outline of Rhetoric (2016thed.). Boston: Ginn & Company Publishers, 1893, p. 32.

²⁴ Whitman W. Slang in America: The collected writings of Walt Whitman. (Қуйидаги электрон манзил бўйича: <http://hdl.handle.net/2027/heh.06580.0002.001>, (Мурожаат санаси: 28.10.2020, 7:27)).

²⁵ Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили: Филол.фан.бўй.фал. док. ... дисс. автореф. – Андижон, 2020. – б. 13.

²⁶ <https://www.speakinglatino.com/slang-isnt-always-by-way-of-mouth-4-examples-of-non-verbal-slang>, (Мурожаат санаси: 21.10.2020, 9:45)

Сленгнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда тарқалишига сабаб бўлувчи омиллар таҳлил қилиниб, қуйидагилар улар ичидаги энг муҳимлари эканлиги аниқланди: 1) турли ижтимоий гуруҳлар (Hippies, Beatniks, Valley Girls); 2) ҳаётий воқеалар (Fanny Adams); 3) бадиий адабиёт вакиллари (У. Шекспир); 4) йирик давлат арбоблари (Линдон Жонсон, Дональд Трамп); 5) спорт ўйинлари ва унинг иштирокчилари; 6) урушлар (I ва II жаҳон урушлари, Вьетнам уруши; Форс кўрфази урушлари); 7) ижтимоий тармоқлар (twitter, telegram); 8) оммавий ахборот воситалари (газета, телевидение); 9) санъат соҳаси вакиллари (Элвис Пресли, Эминем).

Диссертациянинг «Сленг бирликларининг структур-семантик тадқиқи» деб номланган иккинчи бобида сленг нутқ бирликларининг адабий тил бирликлари билан ўзаро мавжуд алоқалари тил тизимининг лексик ва семантик сатҳлари доирасида кўриб чиқилган бўлиб, унга кўра уларнинг тил тизимининг лексик сатҳида денотат бўйича ўзаро синонимик ва баъзан квазисинонимик, семантик сатҳида эса лексик-семантик вариантлашув тарзида муносабатга киришиши тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли «Сленг ва адабий тилдаги сўзларнинг лексик-семантик вариантлари ўртасидаги муносабатлар» деб номланиб, унда адабий тилдаги сўзларнинг сленг номинациясида қатнашиш имкониятлари, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳамда янги сленг ҳосил қилишда қатнашувчи сўзнинг адабий тилдаги асосий ва сленгдаги ясама маънолари ўртасидаги ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Сленгли номинациянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у кўпинча адабий тил билан шаклан бир хил бўлган сўзларнинг референтларини ифодалаш учун қўлланади ва адабий тил доирасида бошқа референтларни ифодалашдан иборат бўлади. Масалан, “cabbage” сўзи сленгда “пул” маъносини билдиради, унинг адабий тилдаги асосий маъноси “карам” ҳисобланади; “chopper” сўзи сленгда “инсоннинг тиши” маъносини англатса, асосий адабий тилда “болтача, чопқи” маъноларини ифодалайди. Сленг луғатлари таҳлили асосида баъзи сўзларнинг сленг ҳосил қилишдаги имкониятлари ўта юқори эканлиги аниқланди. Ушбу ҳодисани замонавий тилшуносликдаги концептуал метафора (conceptual metaphor)²⁷ ёрдамида тушунтириш мақсадга мувофиқ. Чунки, айнан концептуал метафора сленгли номинацияда қатнашувчи сўзларнинг барча имкониятларини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади. Сленг луғатлари таҳлили сленгда ушбу ҳодисанинг фақат “Animals are People” кўриниши жуда ҳам кўп қўлланиши, “People are Animals” шакли бўлса луғатларда умуман қайд этилмаганини кўрсатди:

1. “X (одам) is Y (хайвон)” – People are Animals: қайд қилинмади.

2. “X (хайвон) is Y (одам)” – Animals are People: duck *n.1* – a lover, a sweetheart; sheep *n.2* – a womanizer; goat *n.1* – a womanizer.

Бундан ташқари, сленг референтларини ҳосил қилишда энг кўп сермаҳсуллик кўрсатган от, сифат ва феъл сўз туркумларига оид сўз, сўз

²⁷ Ritchie L.D. Conceptual Metaphor Theory. In: Context and Connection in Metaphor. London: Palgrave Macmillan, 2006, p. 31.

бирикмаси, фраза ва ундов гапларнинг “Target Domain is Source Domain (X is Y)” кўринишидаги харитаси тузиб чиқилди. Таҳлил натижаларига кўра, отлар орасида “Bull” оти атрофида ҳосил бўлган сленглар (272 та референтни ифодалайди), сифатлар ичида “hot” сифати асосида пайдо бўлган сленглар (274 та референтга эга), феъл сўз туркумидан “go” феъли атрофида ҳосил бўлган сленглар (1128 та референтга эга) энг кўп маҳсулдорлик қайд этди.

Сўзнинг адабий тил ва сленг доирасидаги лексик-семантик вариантлашувини таҳлил қилиш натижасида сленг ва адабий лексик-семантик вариантлар таркибидаги кўп маъноли сўзлар орасидаги фарқ сленгли лексик-семантик вариантларнинг одатда ясама бўлиши аниқланди. Шу билан бирга, аксарият ҳолларда, сўзнинг сленгдаги маънолари айнан шу сўзнинг адабий тилдаги асосий маъноси асосида пайдо бўлади. Аммо, баъзан сўзнинг сленгдаги маънолари унинг адабий тилдаги қўшимча (ясама) маънолари ортидан ҳосил бўлади. Кам ҳолларда, аксинча, сўзнинг сленгдаги маънолари бир вақтнинг ўзида унинг ҳам асосий, ҳам қўшимча маънолари асносида вужудга келади.

Д.С.Лихачевнинг таъкидлашича, сленг бирликлари уларнинг адабий тилдаги синонимларига қараганда воқеликни “конкретлаш” ва “моддийлаштириш”, инсонни “механизациялаш (нарга айлантириш)” ва “хайвонга айлантириш” хусусиятларини ўзида ифода этади²⁸. Ушбу нуқтаи-назардан ёндашилса, сўзнинг янги лексик-семантик вариантларини ҳосил қилишда прагматик компонентлар адабий тилдан кўра сленгда кўпроқ асос сифатида хизмат қилади.

Адабий тилдаги хайвон номлари лексик-семантик гуруҳига мансуб отларнинг сленгли лексик-семантик вариантларни ҳосил қилишига асос сифатида хайвоннинг одатлари, характери ва унинг ташқи кўриниши ҳақидаги тасаввурлар хизмат қилади. Масалан, *Tiger* сўзининг сленгдаги лексик-семантик вариантлари хайвон рангининг ассоциатив алоқаси, яъни унинг терисидаги ўзига ҳос ранг-баранглик асосида ҳосил қилинган (*Масалан: Tiger (slang) – n 1. an overdressed, showy man; n 2. a groom (often black); n 3. an omnibus conductor; n 4. a smartly dressed manservant, esp. a boy who accompanies his master in his coach.*). Турли асбоб-ускуна, мева ва сабзавотлар номларидан иборат лексик-семантик гуруҳлари таркибига кирувчи отларда сленг ҳосил қилишда кўпинча уларнинг ташқи кўриниши ва шакли ҳақидаги тасаввур асос бўлади (*Масалан: screw (slang) n – a (skeleton) key; grape (slang) n – the female breasts; apple (slang) n – the head; mushroom (slang) n – an umbrella.*

Сўзнинг прагматик маъно компонентлари асосида ҳосил бўлган сленгли ҳамда асосий адабий лексик-семантик вариантлари ўртасида бир қатор муносабатлар ўрнатилади. Бизнингча, адабий тил бирликлари ва уларнинг сленгдаги лексик-семантик вариантлари миқдори салмоқли ҳисобланиб, бундай муносабат турлари нафақат от балки сифат ва феъл сўз туркумлари

²⁸ Лихачев Д.С. Черты первобытного примитивизма воровской речи. // «Язык и мышление», т. III-IV. –М.-Л., 1935. – с. 47-100.

доирасида ҳам учрайди. Тадқиқот мобайнида отларнинг асосий адабий ва ясама сленгли лексик-семантик вариантлари ўртасида 60 та, феъллар учун ушбу боғланишнинг 39 та, сифатлар орасида 26 та муносабат тури аниқланди.

Сўзнинг ўзаро муносабатга киришадиган адабий ва сленгли лексик-семантик вариантлари турли параметрлар бўйича қиёсланганда, адабий тилдаги отлар учун сленг ҳосил қилишда “Инсон эмас – инсон (*Macalan: moustache n – a man with a moustache; banana n – a light-skinned black person*)” параметри асосий, “Инсон – инсон эмас (*Macalan: boys n – the immigrant West Indian community*)” карама-қаршилиги эса иккинчи даражали, “Бошқа жисм ҳаракати – инсон ҳаракати (*Macalan: to bang v – to shoot; to kill by shooting; to melt v – to run out of money, to have no money*)” параметри сленгда феъл ҳосил қилишда иккинчи даражали, аксинча, “Инсон ҳаракати – инсон ҳаракати (*Macalan: to cut v – to switch off; to jump v – to leave without paying one’s bill*)” оппозицияси асосий, сифатлар учун “бошқа жисм/ҳодиса/жой сифати – инсон сифати (бу отлардаги “Инсон эмас – инсон” параметрига тўғри келади. *Macalan: yellow adj. – of a black person, light-skinned; golden adj. – successful*)” параметри асосий, лекин, “бошқа жисм/ҳодиса/жой сифати – яна бир бошқа жисм/ҳодиса/жой сифати (бу “инсон эмас – инсон эмас” параметрига тўғри келади. *Macalan: slow adj. – of places, events, dull, boring; swift adj. – exciting*)” параметри иккинчи даражали эканлиги аниқланди. Бу ҳолат тадқиқ қилинган сўз туркумларининг сленг номинациясидаги иштироки фарқли эканлигини кўрсатди, яъни сленг номинациясида қатнашувчи адабий тилдаги от ва сифатлар учун “Инсон эмас (адабий тилда) – инсон (сленгда)”, феъл учун “Инсон (адабий тилда) – инсон (сленгда)” параметри характерли ҳисобланади.

Бобнинг «*Инглиз тилида қисқартма сўзлар мақомидаги сленглар тадқиқи*» деб номланган иккинчи фасли сленг сифатида қўлланувчи қисқартмаларнинг структур ҳамда семантик таҳлилига бағишланади.

Рақамли технологиялар ва ахборот асрида яшаётган эканмиз, жуда қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотни етказиб бериш ва уни қабул қилиб олиш секин-асталик билан кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўлагига айланиб бормоқда. Чунки, айнан улар сабабли ҳаёт сурати жадаллашмоқда ва ҳар қандай ахборотни тез ва қулай етказиб бериш заруриятини эса замоннинг ўзи талаб этмоқда. Бунинг натижасида, ҳозирги замон инглиз тилида кундалик мулоқотда кўплаб янгидан-янги қисқартма сўзлар пайдо бўлмоқда.

Инглиз тилида сўз қисқартиришнинг қуйидаги турлари мавжуд: I. Аббревиатура: 1) график аббревиатуралар (*graphical abbreviations*); 2) лексик аббревиатуралар (*lexical abbreviations*): а) инициал сўзлар (*initialism, initial abbreviation, alphabetical abbreviation*); б) акроним (*acronym, acronymic abbreviation*) ёки протограмма (*protogram*). II. Клиппинг (*clipping/truncation*): 1) апокопа (*apocope, back-clipping, final clipping*); 2) аферезис (*aphaeresis (British English), apheresis (American English), initial clipping, fore-clipping*); 3) синкопа (*syncope, syncorotation, medial clipping*); 4) сўзнинг бош ва охириги

қисми қисқариши (mixed clipping). III. Блендинг (blending, blends, blendings, fusions), Телескопа (telescoping) ёки Портмоне сўзлар (portmanteau words)²⁹.

Сленг луғатлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, сленглар орасида ҳам адабий тилдаги каби юқорида таъкидлаб ўтилган қисқартмаларнинг барча тури мавжуд. Шу боис уларнинг ҳар-бир тури структурал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинди. Жумладан, аббревиатура таркибидаги инициал сленгларни структурал жиҳатдан бешта турга ажратдик: 1. Элементлари прототипининг фақат бош ҳарфларидан ташкил топган инициал сўзлар: а) прототипи фақат битта сўздан иборат бўлган инициал сўзлар (Масалан: *V./b. (n British)* – никоҳсиз тузилган бола, ҳароми. У “*bastard*” сўзининг қисқартма шакли; *j (n)* – ичига наша солинган сигарет. У “*joint (наша ўралган сигарет)*” сленгининг қисқартмаси); б) прототипи сўз бирикмасидан иборат бўлган инициал сўзлар (Масалан: *D.A./A.D. (n British)* – гиёҳванд. У “*drug addict*” сўзларининг бош ҳарфидан олинган; *V.O.F./b.o.f. (n British)* – зерикарли эзма чол. У “*boring old fart*” сўзларидан олинган); в) прототипи фразадан иборат бўлган инициал сўзлар (Масалан: *D.O.A. (adj)* – ҳушсиз (ўчиб қолган). У “*dead on arrival (бу дунёдан узилиб қолган)*” сўзларининг бош ҳарфларидан олинган). 2. “Ҳарф + лексема” компонентли инициал сўзлар (Масалан: *G-man (n American)* – ФҚБ ағенти. Ундаги “*G*” ҳарфи “*government*” сўзидан олинган). 3. “Лексема + ҳарф” компонентли инициал сўзлар (Масалан: *vitamin T (n)* – марихуана. Ундаги “*T*” ҳарфи “*tea-marихуана*” сленгидан олинган). 4. “Ҳарф + сон” компонентли инициал сўзлар (Масалан: *B-52 (n American)* – 1960 йилларда урф бўлган асалари уяси кўринишидаги соч турмаги тури). 5. Синдетик боғланган инициал сўзлар (Масалан: *R and R (n)* – дам, ҳордиқ. У “*rest and recreation*” сўзларидан олинган). Семантик жиҳатига кўра инициал сленгларнинг 6 та маъно тури: 1) гиёҳвандликка оид; 2) ичкиликка оид; 3) инсонни тасвирловчи; 4) кийим-кечакка оид; 5) соч турмакни ифодаловчи; 6) пулга оид инициал сўзлар аниқланди.

Акроним компонентли сленгларнинг 2 та структурал турлари аниқланди: 1. Элементлари фақат бош ҳарфлардан иборат бўлган акронимлар (улар ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: а) нуқта билан ажратиладиган (Масалан: *K.I.S.S. (exclamation)* – соддалаштир, осонлаштир. У “*keep it simple, stupid*” сўзларидан олинган); б) нуқтасиз ишлатиладиган (Масалан: *JAP (n American)* – (эркатой, танти) ёш яҳудий қиз. У “*Jewish American Princess*” сўзларидан олинган). 2. Элементлари фақат кичик ҳарфлардан ташкил топган акронимлар (улар ҳам иккига бўлинади: а) нуқта ёрдамида ажратиладиган (Масалан: *to d.k. (v American)* – кимгадир ҳурматсизлик қилмоқ ёки айтган сўзидан қайтмоқ. У “*don't know*” сўзларидан олинган); б) нуқтасиз ишлатиладиган (Масалан: *corgis (n British)* – бир жуфт ваҳимали одам. У “*couple of really ghastly individuals*” сўзларининг бош ҳарфларидан олинган)). Семантик нуқтаи-назардан акронимли сленгларни 5 та: 1) инсонни

²⁹ Ginzburg R.S. and others. A course in modern English lexicology (2nd ed.). Moscow: Vysšaja Škola, 1979, pp. 188-191.

тасвирловчи акронимлар; 2) инсон ҳатти-ҳаракатини ифодаловчи акронимлар; 3) заруриятни ифодаловчи акронимлар; 4) бирор иш қилишга ундаш маъносида ишлатилувчи акронимлар; 5) касбга доир акронимлар каби турларга ажратдик.

Сўз қисқартиришнинг клиппинг тури доирасидаги сленглар таҳлил қилиниб, унга кўра апокопаларни структурал хусусиятларига кўра 4 та турга ажратдик: 1. Элементлари прототипининг фақат охириги ҳарфи қисқаришидан ҳосил бўлган апокопалар. 2. Апостроф (') элементли апокопалар. 3. Шаклан адабий тилга омоним бўлган апокопалар. 4. Элементлари прототипининг охириги бўғин(лар)ининг қисқаришидан ҳосил бўлган апокопалар. Апокопа компонентли сленгларнинг 12 та семантик тури аниқланди: 1) инсонни тасвирловчи апокопалар; 2) топоним компонентли апокопалар; 3) соматизм компонентли апокопалар; 4) умумий тасвир воситаси сифатида ишлатиладиган апокопалар; 5) инсон саломатлигига зарар келтирувчи воситалар; 6) моторли транспорт воситалари номлари; 7) тиббиёт термини номи; 8) мослама номи; 9) мурожаат воситаси сифатида ишлатилувчи апокопалар; 10) ижтимоий-сиёсий фаолият тури; 11) овқат номи; 12) пул бирлиги.

Сленг таркибидаги аферезисларнинг структурал жиҳатларига кўра 2 та: 1) апостроф (')ли ва 2) апостроф (')сиз аферезислар каби турлари аниқланди. Маъно жиҳатидан аферезис компонентли сленгларни 8 та турга ажратдик: 1) инсонни тасвирловчи аферезислар; 2) умумий тасвир воситаси сифатида ишлатилувчи аферезислар; 3) гиёҳвандликка оид аферезислар; 4) овқат номини билдирувчи; 5) ичимлик номи; 6) зооним компонентли аферезислар; 7) машина русуми; 8) давлат номи.

Сленгдаги синкопаларнинг структурал жиҳатларига кўра 2 та: 1) апостроф (')ли ва 2) апостроф (')сиз синкопалар каби турлари аниқланди. Синкопа компонентли сленгларни семантик жиҳатларига кўра 4 та: 1) мослама номи; 2) иқтисодий термин номи; 3) ичкиликка оид синкопалар; 4) дори номи каби турларга ажратдик.

Сленг таркибидаги сўзнинг боши ва охиридан сўз қисқартириш орқали ясаладиган қисқартма сўзлар тузилиш жиҳатидан фақат бир-хил (содда) шаклда бўлиши аниқланди. Семантик хусусиятига кўра уларни 2 та: 1) гиёҳванд модда номи ва 2) инсоннинг этник келиб чиқишини ифодаловчи сленглар каби турларга ажратдик.

Кўлимиздаги луғат материалларини таҳлил қилиш натижасида тўпланган сленг таркибидаги бленд сўзларни структурал жиҳатдан 5 та: 1) “от” + “от” бирикувидан ҳосил бўлган бленд сўзлар; 2) “от” + “антропоним” қўшилмасидан пайдо бўлган бленд сўзлар; 3) “от” + “топоним” бирикувидан юзага келган бленд сўзлар; 4) “сифат” + “сифат” бирикувидан ҳосил бўлган бленд сўзлар; 5) “феъл” + “феъл” қўшилмасидан пайдо бўлган бленд сўзлар каби турларга ажратдик. Семантик хусусиятларига кўра сленг таркибидаги бленд сўзларни 3та: 1) инсонни тасвирловчи бленд сўзлар; 2) умумий тасвир воситаси сифатида ишлатилувчи бленд сўзлар; 3) инсон фаолиятини ифодаловчи бленд сўзлар каби гуруҳларга бўлдик.

Қисқартма сўзларнинг таҳлилига кўра, клиппинг усули ҳудди инглиз адабий тилидаги каби сленг бирликлари таркибига кирувчи қисқартма сўзлар ҳосил қилишда ҳам энг кенг тарқалган усул ҳисобланади. Клиппинг таркибига кирувчи апокопалар (61 та, 40.4%) ва аббревиатура таркибидаги инициал сўзлар (45 та, 29.8%) сленг бирликлари таркибида кўп учрайдиган қисқартма сўзлар ҳисобланади. Клиппинг таркибига кирувчи сўзларнинг олд ва орқа қисмини қисқартириш орқали ҳосил бўладиган сленгларнинг сони атиги 2 та (1.3%)ни ташкил этди. Бу ҳолат сленг бирликлари бу усул орқали камдан-кам ҳолатда ясалади, деган хулосага келишимизга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, таҳлиллар юқоридагиларнинг ҳеч бирига тўғри келмайдиган қисқартмаларнинг ҳам мавжуд эканлигини кўрсатди. Улар қуйидагилар: 1. Гибрид шаклли қисқартмалар – сўзнинг ёки сўз гуруҳининг бир неча жойларидан олинган товуш (лар) ёки бўғин (лар) жамланмасидан ташкил топган қисқартмалар (Масалан: *frit (adj British)* – қўрқиб кетган. У “*frightened*” сўздан олинган). 2. Шаклан мустақил лексик маъно англатувчи сўздан ташкил топган қисқартмалар – сўз бирикмаси ёки сўз гуруҳидан фақат битта мустақил лексик маъно англатувчи сўзни ўзинигина ажратиб олинишидан пайдо бўладиган қисқартма сўзлар (Масалан: *cock (n British)* – эркак кишига мурожат қилишда ишлатиладиган сўз. У “*cock sparrow* (эркак чумчуқ)” сўздан олинган). 3. Бир бўғинли қисқартмалар (Масалан: *(to) con (v/n)* – бирор ноқонуний иш қилмоқ. У “*confidence – trick*” сўз бирикмасидан олинган). 4. “Х” элементли қисқартмалар – таркибида “Х” ҳарфи мавжуд бўлган қисқартма сўзлар. Ушбу сўзлар таркибидаги “Х” ҳарфи асосан унинг метафорик маъноларидан келиб чиққан ҳолда кўшилган бўлади (Масалан: *XYZ (phrase)* – тугмангни қада ёки замогингни кўтар!).

Диссертациянинг «**Инглиз тилидаги ономастик компонентли сленг бирликларининг парадигматик ва синтагматик тадқиқи**» деб номланган учинчи боби сленг таркибидаги антропоним ва топонимларнинг структурал-семантик тадқиқига бағишланган. Бундан ташқари, тил соҳиби томонидан сленг қўлланилишининг синтагматик хусусиятлари ўзига хос тарзда таҳлил қилинган.

Бобнинг биринчи фасли «*Инглиз тилидаги сленг бирликларининг контекстуал ва синтагматик хусусиятлари*» деб номланиб, ушбу фаслда сленг бирликларининг бадий матнларда қўлланиш ҳоллари таҳлил қилинади.

У. Лабовнинг фикрича: “Ҳар доим фақат бир услубда гаплашувчи кишилар мавжуд бўлмайди. ... барча информантлар социал контекст ва мавзу ўзгаришида барибир қандайдир силжишни амалга оширадилар”³⁰. Дарҳақиқат, матнда бошқа бирликлар билан бир қаторда сленг бирликларининг ҳам келиши табиий ҳолдир. Қоидага кўра, сленг адабий тил бирликлари оқимида алоҳида жойлашган ҳолда иштирок этади, масалан:

³⁰ Лабов У. Исследование языка в его социальном контексте. – В кн.: Новое в лингвистике, вып.7. –М.: 1975. – с.114-119.

“Get some light clothes. You can borrow more dough from brother Shura – he likes that, and he knows you’ll repay”. (*Saul Bellow. Herzog. Penguin, UK, 26 July 2012, p. 253, 362 pp.*)

Адабий тил бирликлари билан қиёсланганда, сленг бирликлари бадиий матнларда ўзига хос характерланиши сабабли, аввало, сленг қўлланадиган контекст турларини аниқлаб олиш зарур. Шу нуқтаи-назардан, параметрларни таснифлаш учун таҳлилда биз С.М.Эрвин-Трипп ва Д. Хаймс³¹ томонидан тавсия қилинган релевант қаторларга (1. Муносабат шароити. 2. Муносабат иштирокчилари. 3. Мулоқот мавзуси. 4. Хабар шакли) мурожаат этдик.

Биз анъанавий тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, сленгни нутқда қўллашни белгилаб берувчи муносабатларнинг ўзгарувчан омиллари (макон, замон, фаолият тури, мулоқот иштирокчилари) нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топдик.

Сленг ишлатилган контекстларнинг макон нуқтаи-назаридан таҳлили муносабатларнинг кўпинча қуйидаги манзилларда содир бўлишини ажратиб олиш имконини берди: *уй; супермаркет; суд зали; шахсий автомашина кабинаси; ресторан, кафе; спорт зали; дўкон, адвокат қабулхонаси; офис; кўча; тунги клуб; бар; вокзал; жамоат транспорти (автобус, метро) ва бошқалар.*

Сленг қўлланишининг мулоқот иштирокчиларига нисбатан таҳлили сленг қўллаш мулоқот иштирокчиларининг ижтимоий мавқеъларига боғлиқ эканлигини ҳамда сленг қўлланган коммуникатив ҳолатлар кўп ҳолларда диалогларда, яъни икки суҳбатдошдан (сўзловчи ҳамда тингловчидан) иборат гуруҳ иштирокида содир бўлишини кўрсатди. Масалан, аёл ва унинг бошлиғи ўртасидаги мулоқотда сленг фақат бир киши, яъни қизнинг бошлиғи томонидан қўлланилганининг гувоҳи бўлдик:

... Man: “Would you trust any of these with a monkey?”

Woman: I manage to convey the right amount of puzzlement. He pulls the money out of the envelope, sprays the wad with his thumb.

... The demonic leer softens into a smile. It’s a twisted, knowing smile, but it tells me I’m off the hook. For now. He lets go of my wrist and looks at his watch.

Man: “Good girl. Your next toot’s on the house, yeah?”

He pats my bottom.

Man: “Off you trot then. Pacey-pacey.” (*Sampson Kevin. The Killing Pool. The Random House Group, London, 2013, p. 29, 288 pp.*)

Юқорида кўрсатиб ўтилган нутқ вазиятлари орасида мулоқотнинг роль тузилиши нутқда сленг қўллаш ёки қўлламаслик ҳолатини аниқлашда ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидламоқчимиз. Демак, сленг қўлланилишининг энг муҳим шартларидан бири сифатида мулоқотда “Муносабатнинг роль тузилиши”ни келтириш мумкин.

³¹ Хаймс Д. Этнография речи. – В кн.: Новое в лингвистике. Вып.7. –М., 1975. – с.42-95; Эрвин-Трипп С.М. Язык, тема, слушатель. Анализ взаимодействия. – В кн.: Новое в лингвистике. Вып.7. – М.,1975. – с.336-352.

Бобнинг иккинчи фасли «*Антропоним компонентли сленг бирликларининг структур-семантик таҳлили*» деб номланган. Инглиз тилшунослигида адабий тилдаги антропонимлар доирасида жуда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, сленг доирасида антропонимларнинг айнан структур ҳамда семантик тадқиқига бағишланган тадқиқотларнинг салмоғи айтарли даражада эмас. Шу боис бобнинг ушбу фаслида антропоним компонентли сленгларнинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

Сленгдаги антропонимларнинг структурал-семантик таҳлилидан ташқари, уларнинг бир нечта ўзига хос жиҳатлари аниқланди: 1. Сленг таркибидаги антропонимлар қофиявий ўхшашлик ортидан пайдо бўлади (*Масалан, Tom Cruise (алькогол, спиртли ичимлик)* сленги “*booze - алкоголь*” сленгидан қофия тарзида олинган). 2. Сленгдаги антропонимлар ҳам адабий тилдаги сўздан ҳам сленгдан олиниши мумкин (*Масалан, Aristotle (шунча, бутилка)* сленгининг прототиби адабий тилдаги “*bottle*” сўзи, *Tom Cruise* сленгининг прототиби эса “*booze*” сленги ҳисобланади). 3. Сленгда дунёвий исмлар қаторида диний антропонимлардан ҳам кенг фойдаланилади (*Масалан, Nigel (n) – юқори табақага мансуб эркак*). 4. Сленгдаги антропонимлар орасида Патриал номлар (*ингл. Patrial names*³²) ёки географик фамилиялар (*ингл. Geographical surnames*³³), яъни топонимдан ҳосил бўлган ёки унга кўшиб ишлатиладиган инсонлар фамилиялари, исмлари ёки лақаблари ҳам учраб туради (*Масалан, Ada from Decatur (n) – шашқол ўйинидаги саккизлик*). 5. Антропоним сленглар орасида Гипокоризм (*ингл. Hypocorism*³⁴)лар, яъни исмнинг қисқартирилган шакллари жуда ҳам кўп учрайди (*Масалан, Tom n (Thomas исмидан қисқартирилган) – оқ танлиларга ёқиш учун уларга ҳушомадгўйлик қиладиган қора танли одам*). 6. Сленг таркибидаги антропонимлар орасида Ринг номлари (*ингл. Ring names*)³⁵ ҳам мавжуд бўлиб, улар боксчиларнинг рингда фойдаланадиган номлари ҳисобланади (*Масалан: Iron Mike n (Темир Майк. Ушбу номдан афсонавий боксчи Майк Тайсон фойдаланган) – бир жуфт кастет*). 7. Сленг таркибидаги антропонимлар орасида гендер-нейтрал исмлар (*ингл. Gender-neutral names*)³⁶, яъни иккала жинс вакилларига (ҳам эркак, ҳам аёлга) ҳам бирдек қўлланиладиган исмлар мавжуд (*Масалан, Sam (сленгдаги маъноси: федерал агент) антропоними Samuel исмли эркаклар ва Samantha исмли аёллар учун бирдек қўлланади*). 8. Антропоним компонентли сленглар орасида кадиган (*ингл. kadigan*)³⁷, яъни ўзлари муҳокама қилинаётган контекст ичида исми мавжуд бўлмаган, исми номаълум бўлган, исми/номи унутиб қўйилган ёки исми ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган нарса номлари ва одамларнинг исмлари ўрнига қўлланувчи сўзлар ҳам мавжуд (*Масалан: Tom, Dick and Harry – бирор эркак, ҳар қандай эркак, Ozzie and Harriet (n pl.)*

³² https://en.m.wikipedia.org/wiki/Patrial_name, (Мурожаат санаси: 20:25, 15.07.2020).

³³ https://en.m.wikipedia.org/wiki/Patrial_name, (Мурожаат санаси: 20:25, 15.07.2020).

³⁴ <https://en.m.wikipedia.org/wiki/Нипокоризм>, (Мурожаат санаси: 14:18, 15.07.2020).

³⁵ https://en.m.wikipedia.org/wiki/Ring_name, (Мурожаат санаси: 14:15, 15.07.2020).

³⁶ https://en.m.wikipedia.org/wiki/Unisex_name, (Мурожаат санаси: 14:08, 15.07.2020).

³⁷ https://en.m.wikipedia.org/wiki/Placeholder_name, (Мурожаат санаси: 14:00, 15.07.2020).

– *ўта расмий ва зерикарли бўлган, ўрта ёшли ва ўрта табақага мансуб жуфтлик*). 9. Кадиганлар орасида параллел конструкциялар (Изоколонлар (*ингл. isocolon*³⁸)) аниқланиб, уларнинг биколон (*ингл. bicolon*)³⁹, яъни иккита параллел элементдан иборат изоколон (Масалан, *Ozzie and Harriet*) ва триколон (*ингл. tricolon*)⁴⁰, яъни учта параллел элементга эга изоколон (Масалан, *Tom, Dick and Harry*) каби турлари аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида учраган антропоним компонентли сленгларни структур жихатдан 17 (1) мононимлар; 2) фақат фамилиядан ташкил топган антропонимлар; 3) ясама антропонимлар; 4) “Исм/фамилия + (↔)қисқартма” элементли антропонимлар; 5) исм ва фамилиядан ташкил топган антропонимлар; 6) “Изоҳловчи (↔) + исм” элементли антропонимлар; 7) “Исм + от” элементли антропонимлар; 8) “Фамилия + от” элементли антропонимлар; 9) “Исм + фамилия + от” элементли антропонимлар; 10) “Исм + фамилия + патроним” элементли антропонимлар; 11) сўз бирикмаси таркибида келувчи антропонимлар; 12) фраза таркибида келувчи антропонимлар; 13) ундов гаплар таркибидаги антропонимлар; 14) эпонимлар; 15) теонимлар; 16) характонимлар; 17) синдетик боғланган антропонимлар) турга, лексик-семантик жихатига кўра 30 турга ажратдик.

Бобнинг учинчи фасли «Сленг таркибидаги топонимларнинг структур-семантик тадқиқи» деб номланади. Жой номлари қадимий ва узок даврларнинг маҳсули бўлиб, ҳудуд тарихи, географияси, табиати ва бошқа жихатлари ҳақида бой маълумот берувчи лисоний даракчидир⁴¹. Жой номлари шу қадар кўпки, ҳамма топонимларнинг ҳам маъносига етиб бўлмайди. Ном қанча кўхна бўлса, унинг этимологиясини билиш шунча қийин бўлади⁴².

Адабий тилдаги жой номларидан фарқли ўлароқ, сленгдаги топонимларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар шаклан географик ном ёки географик ном компонентли бўлса-да, лекин умуман бошқа маънони ифодалайди, баъзида аксинча, шаклан жой номи бўлмасада, топоним коннотациясига эга ҳисобланади. Сленгда топонимларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг қуйидаги турлари аниқланди: I) хороним (*Масалан, Егупт (n) – АҚШдаги аҳолисининг асосий қисми қора танлилардан иборат туманга нисбатан ишлатилади*). II) ойконим: 1) астионим (*Масалан, Hollywood (adj) – ўзига бино қўйган, ҳашаматни ёқтирадиган*); 2) комоним (*Масалан, Tijuana bible (n)–порнографик журнал ёки китоб*); 3) урбаноним: а) агрорим⁴³ – майдон, хиёбон, боғ номлари (*Масалан, Disneyland (n) – енгил режимли қамоқхона*); б) годоним (гр. *hodos* – йўл, кўча, *ингл. hodonym*)⁴⁴ ёки

³⁸ <https://en.wikipedia.org/wiki/Isocolon>, (Мурожаат санаси: 01.07.2020, 20:37).

³⁹ <https://en.wikipedia.org/wiki/Isocolon>, (Мурожаат санаси: 01.07.2020, 20:37).

⁴⁰ <https://en.wikipedia.org/wiki/Isocolon>, (Мурожаат санаси: 01.07.2020, 20:37).

⁴¹ Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Т.: Фан нашриёти, 2008. – б. 5.

⁴² Қораев С. Топонимика. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – б. 18.

⁴³ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Топоним>, (Мурожаат санаси: 10:18, 20.03.2020).

⁴⁴ <https://www.americannamesociety.org>, (Мурожаат санаси: 19:41, 18.04.2020).

дромоним (гр. *dromos* – йўналиш, курс, ингл. *dromonym*)⁴⁵ - кўча, кесишма, кўприк, йўлак, йўл, туннел, муҳим алоқа ва транспорт йўллари номлари (Масалан, *Broadway (n)* – қамоқхона ертўласи); в) эмпоронимлар⁴⁶ – дўкон, фирма, кафе, бар, сартарошхона, билъярд клублари ва касаба уюшмалари номлари (Масалан, *BR 4 (n)* – “*Banana Republic*” номли кийим дўконлари тармоғи); г) эиргмонимлар (гр. *eirgmos* – қамоқхона сўзидан олинган, ингл. *eirgmonym*)⁴⁷ – қамоқхона номлари (Масалан, *Sax (n)* – Нью Йоркдаги “*the Coxsackie Correctional Facility*” қамоқхонаси); д) эkkлесионимлар (гр. *ekklesia* – черков сўзидан олинган, ингл. *ecclesionym*)⁴⁸ – черков номлари (Масалан: *onion church (n)* – Грек Ортодокс черкови); е) сисситионимлар (гр. *syssition* – армиядаги аскарлар овқатланадиган хона (*messroom*) сўзидан олинган, ингл. *syssitionym*)⁴⁹ – ресторан номлари (Масалан, *Mickey D’s (n)* – “*McDonald’s*™” номи остидаги фаст-фуд ресторани). III) ороним (Масалан, *Savannah (n)* – шашқол ўйинидаги етти рақами). IV) гидроним: 1) Лимноним (ингл. *lymponym*) – кўл ва ҳовуз номлари (Масалан, *Lake Acid (n American)* – Нью Йоркдаги “*Placid*” кўли); 2) Потамоним (ингл. *potamonym*) – дарё номлари (Масалан, *Mississippi marbles (n)* – шашқол); 3) Пелагоним – денгиз номлари (Масалан, *Red Sea Pedestrian (n)* – яхудий); 4) Океаноним – океан номлари (Масалан, *Lake Atlantic (n American)* – Флорида соҳилидаги Атлантика океани). V) инсулоним (Масалан, *Hawaii (n)* – £50 (эллик фунт)).

Структурал жиҳатига кўра сленг таркибидаги топонимларни 8 та тури аниқланди: 1) шаклан фақат топонимнинг ўзидангина ташкил топган жой номлари; 2) “Изоҳловчи (↔) + топоним” компонентли номлар; 3) “Топоним + (↔) от” компонентли номлар; 4) собрикейт ёки никнеймлар (лақаблар); 5) қисқартма компонентли жой номлари; 6) антропоним компонентли жой номлари; 7) синдетик боғланган топонимлар 8) топоним компонентли фразеологик бирликлар. Лексик-семантик жиҳатига кўра уларни 21 турга ажратдик.

ХУЛОСА

1. Жаҳон тилшунослигида бугунги кунгача сленг борасида олиб борилган тадқиқотларнинг барчасида арго, жаргон ва сленг ўртасидаги ўхшаш ва фарқли томонлар ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилган бўлиб, сленг ва бошқа ноадабий нутқ бирликлари орасида пайдо бўлиш, кўлланилиш, функционал-стилистик хусусиятларига кўра аниқ фарқлар мавжуд. Сленгга таъриф беришда унинг ҳеч бир хусусиятини у учун қатъий ва ўзгармас деб бўлмайди. Чунки, сленг одатда ўзгаришга мойил бўлиб, унинг ҳар-бир хусусиятини санашда “Баъзан” сўзидан фойдаланиш зарур.

⁴⁵ Zgusta L. The Terminology of Name Studies (In Margine of Adrian Room’s Guide to the Language of Name Studies), Names. // The American Name Society, September 1998, p. 192.

⁴⁶ <https://moscsp.ru/uz/chtotakoe-onomastika-onomastika-eto-nauka-izuchayushchaya-imena-sobstvennye.html>, (Мурожаат санаси: 17:51, 20.04.2020).

⁴⁷ Zgusta L. The Terminology of Name Studies (In Margine of Adrian Room’s Guide to the Language of Name Studies), Names. // The American Name Society, September 1998, p.193.

⁴⁸ Zgusta L. Кўрсатилган манба. – p.192.

⁴⁹ Zgusta L. Кўрсатилган манба. – p. 194.

2. Сленг ва адабий тил бирликлари тил тизимининг лексик сатҳида синонимик ва баъзи ҳолларда квазисинонимик муносабатларга киришадилар. Тил тизимининг семантик сатҳида сленг ва адабий тил бирликларига лексик-семантик вариантлар сифатида қаралади ҳамда сленгдаги кўп маъноли сўзларнинг семантик тузилиш хусусиятлари аниқланади. Ушбу муаммонинг ечимида сленг ва адабий тил бирликлари орасидаги лексик-семантик вариантлашув муносабатлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

3. Адабий тил бирликлари билан шаклан ўхшаш бўлган сленг бирликларини денотат бўйича синоним ҳисоблаган ҳолда таҳлил қилинганда ҳамда уларнинг референтлари доираси ўзаро қиёсланганда, иккала хусусиятига кўра ҳам сленг доираси адабий тил доирасига нисбатан тематик жиҳатдан анча чекланган ва ихчам гуруҳлардан ташкил топиши юзага чиқади. Сленгда ҳайвон ва ўсимлик номларининг катта қисми, табиат ҳодисалари, осмон жисмлари референтлари ўз ифодасига эга бўлмаса-да, улар ташқи дунёнинг ранг-баранг қисмларини ўз ичига қамраб олади.

4. Луғатларида келтирилган сленг маъноларини ҳосил қилишда қатнашувчи турдош отларнинг энг сермахсули “Bull” оти атрофида ҳосил бўлган сленглар (272 та) ҳисобланиб, ушбу бирликлар концептуал метафора ёрдамида аниқланганда ўз имкониятларини тўлиқ намоён этади.

Сленг ҳосил қилишдаги иштирокига кўра сифатларнинг физик хусусиятни билдирувчи, ранг-тусни ифодаловчи, умумий баҳоловчи, ёшни билдирувчи ва масофани кўрсатувчи лексик-семантик гуруҳлари фаол қўлланилиб, улар орасида “hot” сифати янги сленг ҳосил қилишда (274 та) энг кўп қатнашади.

5. Фейл сўз туркуми доирасида сленг ҳосил қилишда йўналишни кўрсатувчи, мулкка эгаликни ифодаловчи, объектга физик таъсирни билдирувчи ва баъзи ҳаракат феъллари фаол иштирок этади. Улар орасида “go” феъли алоҳида ажралиб туриб, янги сленг ҳосил қилишда қатнашувчи адабий тилдаги нафақат феъллар, балки таҳлилга тортилган барча сўз туркумлари таркибидаги лексик бирликлар орасида маҳсулдорлик (1128 та) жиҳатидан унинг энг юқори натижани қайд этиши аниқланди.

6. Отларнинг асосий адабий ва ясама сленгли лексик-семантик вариантлари ўртасида 60 та, феълларда 39 та, сифатларда 26 та муносабат турининг мавжудлиги кузатилди.

7. Сленгдаги қисқартмалар орасида сўз қисқартиришнинг энг кўп учрайдиган тури клиппинг ҳодисаси бўлиб, улар орасида апокопа ва инициал сўзлар маҳсулдорлик кўрсаткичи бўйича энг юқори, клиппинг таркибига кирувчи сўзнинг олд ва орқа қисмини қисқартириш орқали ҳосил бўладиган сленглар эса энг паст кўрсаткичга эга эканлиги аниқланди.

Бундан ташқари, қисқартма сленглар орасида сўз қисқартиришнинг анъанавий қоидаларига бўйсунмайдиган шакллари орқали пайдо бўлган турлари ҳам мавжудлиги аниқланди. Гибрид шаклли, шаклан мустақил лексик маъно англатувчи сўздан ташкил топган, бир бўғинли ҳамда “X” элементли қисқартмалар ҳам сленгда кенг тарқалган.

8. Сленг қўлланишининг контекстуал хусусиятларини муносабат шароити (*1. Муносабат вақти: оилавий нонушта, кечки базм. 2. Муносабат жойи: уй, суд зали, кўча. 3. Муносабат ҳолати: мулоқот пайтидаги одоб-ахлоқ ва хулқ атвор қоидаларини ифодаловчи муносабатлар*), муносабат иштирокчилари ролларининг тақсимланиши (*эр-хотин, ота-она, фарзанд, дўстлар, танишлар, ҳамроҳлар, қариндошлар*) кабилар очиб беради. Чунки, айнан шу параметрлар сленгнинг синтагматик белгиларини ўзида акс эттиради.

9. Сленг таркибидаги антропонимлар орасида “Исм” компонентли бирликлар аксарият ҳолларда, исм ва фамилиянинг баробар иштироки ва “Фамилия” компонентли сленглар бироз камроқ, исм, фамилия ва патронимлар тенг иштирок этган бирликлар камдан-кам қўлланилади. Бу ҳолат антропоним компонентли сленглар орасида исмнинг иштироки бирламчи эканлигини англатади.

10. Сленгдаги топонимларнинг хороним, ойконим (астионим, комоним, урбаноним), ороним, гидроним, инсулоним каби турлари мавжуд эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, топоним компонентли сленгларнинг прототиплари ҳам адабий тил бирлиги ҳам сленг бўлиши мумкин эканлиги исботланди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING DOCTOR
OF PHILOSOPHY (PhD) SCIENTIFIC DEGREE
PhD.03/31.03.2021.Fil.76.05 AT NAMANGAN STATE UNIVERSITY**

ANDIZHAN STATE UNIVERSITY

SOTVOLDIEV BUNYODBEK TULKINJON UGLI

PARADIGMATIC-SYNTAGMATIC FEATURES OF SLANG IN ENGLISH

10.00.04 – Language and literature of European, American and Australian nations.

**ABSTRACT
of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

Namangan – 2021

The theme of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.1.PhD/Fil144.

The dissertation has been conducted at Andizhan state university.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website of Namangan state university (www.namdu.uz) and "ZiyoNet" information and educational portal (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:

Mamatov Abdi Ishankhulovich
Doctor of Philological sciences, Professor

Official opponents:

Hoshimova Dildora Madaminovna
Doctor of Philological Sciences, docent

Ergasheva Guli Ismoil Qizi
Doctor of Philological Sciences, docent

Leading organization:

Ferghana State University

The defence of the dissertation will take place on «20» 11 2021 at 13⁰⁰ at the meeting of the Scientific Council PhD03/31.03.2021.Fil.76.05 awarding scientific degree at Namangan State University (Address: 316, Uychi str, Namangan, 160136, Phone: 0 (369) 227 01 44; Fax: 0 (369) 227 04 45; e-mail: info@namdu.uz.)

The dissertation can be available at the Information Resource Center of Namangan State University (registered number 602). (Address: 316, Uychi str, Namangan, 160136, Phone: 0 (369) 227 01 44)

The abstract of the dissertation was distributed on «08» 11 2021.
(Protocol at the registered № 01 on «08» 11 2021).



A.I. Ziyaev
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, docent

O.O. Dadabaev
Scientific Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy (PhD), docent

K.A. Sidikov
Chairman of the Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Candidate of Philological Sciences, docent

INTRODUCTION (abstract of the PhD thesis)

Actuality and necessity of the dissertation. The problem of slang and its social features have been investigated in the realm of English materials since the first quarter of the last century. In XXI century, linguistic factors of slang, especially, some significant problems such as its structural-semantic and contextual features are on the top of the agenda. Hence as a specific phenomenon of oral speech, the issue of the paradigmatic and syntagmatic peculiarities of slang in English has considerable importance practically.

In world linguistics, investigating slang as a unique pattern of English non-standard lexicon, conducting structural-descriptive and statistic researches on it, analyzing lexical-semantic variants between slang and English standard units, finding out possibilities of standard words in a slang nomenclature are highly paid attention currently. According to this point of view, it becomes manifest that determining the discrepancy between slang other types of non-standard speech units and clarifying the potential of standard language units in slang nomenclature illustrate the scientific necessity of comprehending the essence of slang formation and evolutionary stages.

In our Republic, strategic missions such as «... stimulating the sphere of scientific and innovational activities, creating productive mechanisms of applying scientific and innovational achievements into practice» are requiring to carry out researches on Anglophones' speeches in uzbek linguistics. Today, investigating the field of slang in modern English is considered one of the most significant terms because of the fact that attention to learn foreign languages, especially, English has risen to a government policy in our country. Ergo, it is required to undertake researches on the analyses of slang creation, its evolution, semantic classification, syntagmatic features and linguistic markers.

To a certain extent, this dissertation work will serve to the implementation of the tasks established in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PF-4947 on February 7, 2017 «On the Strategy of Actions for the further development of the Republic of Uzbekistan», Resolution No. PF-6097 on October 29, 2020 «On measures to assert the concept of the development of science by 2030», Decree No. PQ-2909 on April 20, 2017 «On measures to enhance the Higher Education», Decree No. PQ-5117 on May 19, 2021 «On measures to boost the popularization of learning foreign languages up to a new level».

Correspondence of the research to the main priorities of the development of science and technology of the republic. This research has been conducted in the realm of the priorities of the development of science and technology of the republic I. «Social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of society and a democratic state, formation of innovative system of ideas».

The degree to which problem has been studied. In linguistics much has been done and noted in the realm of the notion of English slang, its evolutionary stages, components, sociolinguistic aspects and comparative analysis by foreign and native linguists. For instance, amid notable European and American linguists,

J.Farmer, J.Hotten, E.Partridge, J.Greenough and G.Kittridge, H.Wentworth and B.Flexner, E.Mattiello, M.Millhauser, B.Dumas and J.Lighter, S.Hayakawa, J.Coleman, J.Green⁵⁰, among Russian linguists, V.Khomyakov, I.V.Arnold, Yu.Skrebnev, A.Lipatov⁵¹, in Uzbek linguistics G.Rakhimov, L.Bobokhonova, Sh. Shakhobidinova, Q.Musaev, D.Satimova⁵² carried out investigations on slang.

The relevance of the investigation to the researches of the higher education institution where the dissertation was conducted. This dissertation was conducted in the framework of the scientific project scheduled between 2017-2020 in Andizhan state university, entitled “OT-F1-18. Development of methods and methodology of formation of public linguistic culture”.

The aim of the research is to depict the participation of standard language units codified in English dictionaries which are similar in form to the Anglophone slang words in the slang nomenclature, to clarify lexical-semantic relations and paradigmatic-syntagmatic peculiarities.

The objectives of the research:

to determine relations between standard language and slang units, metaphorical features in slang considering them as synonyms according to the denotation;

to find out degrees of productivity of the standard words (the noun, the adjective, the verb) in a new slang formation by conceptual metaphor and identify the common or specific characteristics of all parts of speech by comparing their lexical-semantic variants via different parameters;

to explain the syntagmatic features of slang on the basis of time, place, the roles of the participants of the conversation and their social status;

to clarify the specific features of these correlations by contrasting the primary and secondary meanings of the standard word in a dictionary taking part in slang nomenclature with their slang referents;

⁵⁰ Farmer J.S. Slang and its analogues. Past and Present (Vol. 1). L: Paternoster Square, 1890, 405 pp.; Hotten J.C. A dictionary of modern slang, cant and vulgar words (sec. ed.). L: Piccadilly, 1860, 300 pp.; Partridge E. Slang Today and Yesterday. L: Routledge & Kegan Paul LTD, 1933, 476 pp.; Greenough J.B. and Kittridge G.L. Words and their ways in English Speech. New York: Macmillan, 1929, 431 pp.; Wentworth H. and Flexner B. (Preface). Dictionary of American Slang. New York: Thomas Y. Crowell Co., 1967, 718 pp.; Mattiello E. An introduction to English Slang: A description of its Morphology, Semantics and Sociology. Milano: Polimetria, 2008, 324 pp.; Millhauser M. The case against slang. // English Journal 41, 1952, pp. 306-309; Dumas B.K. and Lighter J. Is Slang a word for linguistics? American Speech 53/1, 1978, pp. 5-17; Hayakawa S.I. Language in action. New York: Harkourt Brace, 1941, 345 pp.; Coleman J. The Life of Slang. – Oxford: Oxford University Press, 2012, 353 pp.; Green J. The Stories of Slang: Language at its most human (e-book). UK.: Little, Brown Book Group, 2017, Chapter: On the Road: Tramps and Hobos, 320 pp.

⁵¹ Хомяков В.А. Введение в изучение слэнга – основного компонента английского просторечия. – Вологда: Вологодский гос. пед. ин-т, 1971. – 104 с; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: «Высшая школа», 1986. – с. 140; Скребнев Ю.М. Основы стилистики английского языка. – М.: ООО Издательство Астрель, 2003. – 230 с; Липатов А.Т. Сленг как проблема социолингвистики. – М.: Элпис, 2010. – 317 с.

⁵² Рахимов Ғ. Британия ва Америка сленгининг социолингвистик хусусиятлари: Филол.фан.номз. ...дисс. – Самарқанд, 2006.; Бобохонова Л.Т. Инглиз тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 142 б; Шахобиддинова Ш.Х. Jinoatchilar slengi haqida qarashlar. // Filologiyaning dolzarb muammolari. Илмий-малиянжуман материаллари. – Andijon: Andijon nashriyot-matbaa, 2019. – 197 б.; Musayev Q. English Stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – 302 б.; Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек ёшлар сленгининг қиёсий таҳлили: Филол.фан.бўй.фал. док. ... дисс. – Андижон, 2020.

As the object of the research the lexical-semantic, structural form and paradigmatic-syntagmatic features of slang are selected.

The subject of the research is the relationship between slangy and formal meanings of a word recorded in Anglophone slang dictionaries.

The methods of the research. Descriptive, structural-systemic, pragmatic, statistic and component analyses methods were utilized in the research.

The scientific novelty of the research is as follows:

the concept that slang and formal words can be synonyms and quasi-synonyms in the lexical layer of the language system, the metaphorical efforts of these unites tend to be conducted according to the object's color, physical appearance and condition or the results of similarities came out by marking the action and referent, was confirmed;

according to the productivity of the analyzed parts of speech in a slang formation, verbs have indicated the highest result in the slang nomenclature by means of conceptual metaphorical method. As a result, it has become manifest that the parameter "non-person (in a standard language) – person (in slang)" is peculiar for nouns and adjectives, whilst the parameter "person (in a standard language) – person (in slang)" is particular for the verbs;

the syntagmatic features of slang in contexts were confirmed according to a place, time, the role of the participants of the conversation and their social status;

having investigated the connections between the formal and slangy meanings of the word taking part in the slang nomenclature, the notion that slangy referents are made up of the primary meaning of the standard word, while in some cases, slangy referents are formed by both the primary and secondary meanings of the word in a standard language, was attested.

The practical results of the study are as follows:

various materials to serve to create textbooks and handbooks in general linguistics, lexicology, onomastics and stylistics and to develop practical and theoretical courses, were collected;

slang features depending on time, place and the role of the participants of a conversation were found out;

conclusions under the structural-semantic investigation of shortened words, anthroponyms and toponyms in slang, were practically proved.

The reliability of the research is explained by the fact that conclusions are authentic and perfect, theories are taken from scientific and literary sources, the issues are concrete, the results are confirmed by the competent authorities.

Scientific and practical significance of research results. The scientific significance of the results of the investigation is that the results and conclusions by slang and other non-standard language units, the pragmatic, anthroponymic and toponymic features of slang can serve to enrich the general theory on slang and be utilized to conduct investigations in Anthroponymy, Toponymy, Pragmatics and branches of Theoretical linguistics.

The practical significance of the results of the research are that the final conclusions can be used to integrate and teach "Stylistics", "Speech Ethics",

“Lexicology”, “Onomastics”, “Law linguistics”, “Computer linguistics”, “Linguistics of medical terms”.

Implementation of the research results. On the basis of the scientific results of the paradigmatic-syntagmatic features of slang in English:

The conclusions taken by the depiction of standard language units in the slang nomenclature, clarification of the degree of productivity of standard words in a new slang creation, explanations of structural types, sphere of usage and basis of slang formation were used in the conduct of fundamental project No. OTF-1-18 «Development of methods and methodology for the formation of mass linguistic culture» in Andizhan state university between 2017-2020 (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special education dated September 28. 2020, No. 89-03-3574). As a result, the scientific interpretation and notion of the verbal language units appearing in a speech expanded;

the scientific conclusions drawn on the investigation of psycholinguistic aspects of slang creation, determination of social features of slang usage in time and place and clarification of unique features and pragmatic approach in youth mind towards the language were utilized in the fundamental project No. A-1-39 «Creation of the program of practical Uzbek psycholinguistics» conducted in Andizhan state university between 2015-2017 (Reference of the Ministry of Higher and Secondary Special education dated September 28. 2020, No. 89-03-3574). As a result, concepts on the psycholinguistic features of the usage of stylistically restricted verbal units improved;

information about similarities and differences between English slang and formal language units, types of utilization of slang according to time, place and role of the participants of a conversation in speeches of English speakers and the current importance of slang in this research was utilized in the preparation of the radio-broadcasts such as “Literary process” and “Education and Development” by editorial department “Cultural-educational and entertaining broadcasts” in the television channel “Uzbekistan” of Uzbekistan National television and radio company (Reference No. 04-25-1343 on December 28, 2020 of Uzbekistan National television and radio company). As a result, the gist of the medial materials prepared for these broadcasts was enhanced.

Approbation of the research results. The results of the dissertation were published in 4 international and 4 national scientific conferences.

Publication of the research results. On aggregate, 12 scientific papers on the subject were published, consisting of 4 articles in scientific journals recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of the Ministers of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of doctoral dissertations, including 3 in national and 1 in foreign journals.

The structure and the volume of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion, a list of references and appendices. The volume of the dissertation is 142 pages with the list of references and appendices.

THE MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the introductory part of the dissertation, the topicality and necessity of the research are confirmed, aims and tasks, the object and subject of the investigation are depicted, the relevance to development of science and technology is demonstrated, scientific novelty and practical outcomes of the research are stated, scientific and practical significance of results are proved, information about the implementation, approbation, references and structure of the dissertation is registered.

The opening chapter of the dissertation, entitled «The linguistic status and social markers of slang» deals with the appearance of verbal units having restricted utilization in English, various theoretical views noted by foreign and native scholars about non-literal speech units, and principal factors playing a great role in the appearance of slang words. The initial paragraph of this chapter is entitled «Description, status of slang in the system of lexical units which are restricted in usage» and it analyzes several different points of view given by European, American, Russian and Uzbek linguists about slang, argot and jargon, concerns discrepancies in them and portrays specific characteristics of slang.

The fundamental reason why slang, argot and jargon are separated from formal language as special non-literal layers is that the Renaissance scientists as well as their followers such as Samuel Johnson, the British lexicographer, conceived the idea of formalizing the official English and cancelling “substandard” and “parasite” words to infiltrate into the formal language at last. However, their effort didn’t work properly and slang words which got snubbed at that time, have borne the status of even a special language “slanguage – a blend of *slang* + *language*)⁵³”.

Argot is said to have emerged between 1200-1300 AD as a simple speech unit while as a term it came out between 1600-1700 AD and was utilized mainly by underworld as cryptic purposes deliberately to protect themselves from outsiders not to understand⁵⁴. The French terms such as “*langue bleu, la langue verte*” had been used for “The language of criminals” instead of a term “Argot” by XVII century⁵⁵. Argot had been cryptic and vague for the majority in society by XIX century. While, in that very century underworld avoided the idea of separated life from others leading the criminals’ argot to become coherent to others and deteriorate the feature of secrecy⁵⁶.

In the world linguistics, scholars deem that argot can be utilized in wider spheres except its cryptic characteristics and be transformed into jargon⁵⁷. When

⁵³ Coleman J. *The Life of Slang*. – Oxford: Oxford University Press, 2012. – p. 13, 353 pp.

⁵⁴ Giraud P. *L’argot*. (9-e edition). – Paris: Presses Universitaires de France, 1985. – p. 7, 128 pp.

⁵⁵ Руденко М.Ю. Исследование Арго, Жаргон и Сленга: Вопросы терминологии //Филологические науки. Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2016. – с. 127-134.

⁵⁶ Gadet F. *Le français populaire*. – Paris: Presses Universitaires de France, 1992. – 128 pp.

⁵⁷ See: Истомин В.С. Норма и социальная вариативность в языке // Лингвокультурологическая парадигма в современных исследованиях. Гродно:2011, с. 191-197; Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Большая российская энциклопедия, 1998, с. 43, 685 с.; Горбач О.Т. Арго в Україні. Львів: Інститут українознавства ім. І. Крип’якевича НАН України, 2006, с. 143, 688 с.; François-Geiger D. *Panorama de sargots contemporains / D.François-Geiger // Langue française*. – Paris, 1991. – p. 5-9.; Caradec F.

argot is used in the speech of underworld, it can demonstrate its original cryptic feature and be called only argot. When it is utilized in the lexicon of other social groups (joined according to the age, gender, profession, interest, etc.), it loses its esoteric characteristics turning into jargon and can be called of both of the terms “argot” and “jargon” in this case.

Most scholars are of the same opinion that jargon is the language of social groups (youth, soldiers, student, elders), while a huge argument lies on if it is covert or overt for others. The majority of the researchers take into account that jargon is not a cryptic language of secluded groups, but is the lexicon of wider circles joined in as to a profession, an age, an interest and a social status⁵⁸. So, analyzing opinions of foreign and uzbek scholars, we can conclude that jargon can be featured as a special language of social groups in wider ranges.

As another type of non-literal vocabulary, slang can be characterized by one of the most controversial and actual investigations in the world linguistics. As the central scientific argument, existence of slang as a separate phenomenon from argot and jargon, its etymologic and social issues are discussed. The main reasons of the discussions are that the term “slang” came out later than the terms “argot” and “jargon” in linguistics and proper boundaries have not been set up amid slang, argot and jargon yet. That is why, J. Farmer defined slang as “The darkest continent of the lexical world”⁵⁹, he was absolutely correct.

There are various views about the etymology of the term “slang”, for example, according to J. Bee, the term “slang” came from the expression “A sling of string” which was used to bend on the criminals’ hand in prison⁶⁰. J. Hotten conceives that it is not an English term, it is a “Gypsy language” and is the synonym of “Gibberish (a founded language)”⁶¹. E. Partridge considers that an English word “slang” and a Scandinavian word “to sling – to say, to speak, to curse” are of one root⁶². Hence he is of the opinion that the term “slang” is derived from a Scandinavian verb “to sling”.

In linguistics, similar and dissimilar opinions have been remarked by researchers by today. Some scientists describe slang as a “narrow sense” which is the language of particular social groups. For instance, L. Anderson and P. Trudgill, D. Crystall think that slang is the cryptic language of criminal underworld⁶³, F.Grose and Q. Musayev suppose that it is the lexicon of criminals and synonym of cant⁶⁴.

N'ayonspseurdesMots. Dictionnaire du français argotique et populaire / F. Caradec. – P: Larousse, 2005, p. 12, 320 pp.

⁵⁸ See: Руденко М.Ю. Исследование Арго, Жаргон и Сленга: Вопросы терминологии // Филологические науки. Вопросы теории и практики. –Тамбов: Грамота, 2016. – с. 129.; Умархўжаев М.Э. Лексикология Лексикография Фразеология Фразеография. – Андижон: Жаҳон-интер-принт, 2010. – б.52.

⁵⁹ Farmer J.S. Slang and its analogues. Past and Present (Vol. 1). L: Paternoster Square, 1890, p. vi.

⁶⁰ Hotten J.C. A dictionary of modern slang, cant and vulgar words (sec. ed.). L: Piccadily, 1860, p.52.

⁶¹ Hotten J.C. Кўрсатилган манба. – п.52.

⁶² Eble C. Slang and sociality: in-group language among college students. Chicago: The University of North Carolina Press, 1996, p. 11.

⁶³ See: Anderson L.G. and Trudgill P. Bad Language. Oxford: Blackwell, 1990, p. 77; Crystall D. The Cambridge Encyclopedia of Language. Cambridge: Cambridge University Press, 1987, p. 53.

⁶⁴ See: Липатов А.Т. Сленг как проблема социолингвистики. – М.: Элпис, 2010. – с. 46, Musayev Q. English Stylistics. – Т.: Adolat, 2003. – б.47.

I. Matvias, E. Mattiello, O. Akhmanova, D. Rozenhal depict slang “a language of professional and social groups”⁶⁵, O. Gorbach and L. Bobokhonova define it as “argot”⁶⁶. Moreover, K. Allan and K. Burrige infer that slang is jargon⁶⁷.

Another group of scholars believe that slang exists and is different from jargon and argot. The authors of “American slang dictionary”, H. Wentworth and B. Flexner say: “Slang is the collection of words and expressions derived from different social groups in society”⁶⁸. Y. Skrebnev urges that discrepancy between slang and argot/jargon is the way slang is utilized by majority and is manifest for other groups⁶⁹.

Furthermore, most researchers emphasize to investigate the social aspects of slang and contemplate that slang is a wider sense, besides, they describe it positively or negatively. Some researchers who described slang negatively such as N. Foerster and J. Steadman say: “A cheap product used instead of a luxurious word”⁷⁰, J. Genung, on the other hand, expresses sharply: “Slang is an epidemic illness for a human language. ... the worst is that it ignores all sanitary conditions”⁷¹.

On the contrary, other researchers, for example, W. Whitman praises slang as follows: “Slang is a savior which rescues people from formality and a means of effort which contributes them to demonstrate the freedom of their speech”⁷², D. Satimova claims that the speaker tries to be more independent and avoid some formalities during the conversation. The illustration of the verbal independence is slang.⁷³

